

## ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2018 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 68,6 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизга кўпайди.

**Юк айланмаси** барча транспорт турлари томонидан 1699,1 млн.тн.км.ни ва ўтган йилга шу даврига нисбатан 96,6 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуидагича ифодаланади:

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати:

	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
--	----------------------------	--

Ташилган юк, млн. тн	68,6	102,3
----------------------	------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	68,6	102,3
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	1699,1	96,6
--------------------------	--------	------

шу жумладан:

автомобил транспортида	1699,1	96,6
------------------------	--------	------

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 4,5 фоизга кўпайди ва 1044,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 61,5 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 56,7 фоиз).

**Йүловчи ташиш.** 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 294,7 млн. киши ташылган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 4,0 фоизга кўпайиб, 9982,2 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

**Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати:**

	<i>2018 йил январь-декабрь</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, киши</b>	<b>294,7</b>	<b>104,2</b>
шу жумладан: автомобил транспортида	294,7	104,2
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>9982,2</b>	<b>104,0</b>
шу жумладан: автомобил транспортида	9982,2	104,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 2,3 фоизга кўпайди ва 8920,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 89,4 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 91,6 фоиз).